

**ТЕРГОВ ИДОРАЛАРИ ТОМОНИДАН ЖИНОЯТ ИШЛАРИ ЮЗАСИДАН ЮРИДИК ЁРДАМ
КЎРСАТИШ ХУСУСИДА**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.16944490>

Мирзатиллаев Жаҳонгир Ўқтамжон ўғли

Фарғона вилояти ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси,

Кадрлар гуруҳи катта инспектори, майёр

jahongirmirzatillayev@gmail.com

Аннотация. Мақолада жиноят ишлари бўйича тергов идораларининг юридик ёрдам кўрсатишнинг умумий хусусиятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги Тергов департаменти томонидан юборилган юридик ёрдам сўровларининг бажарилиши таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: жиноят, жиноят процесси, юридик ёрдам, халқаро ҳамкорлик, юридик ёрдам сўровини юбориш.

**ОБ ОКАЗАНИИ СЛЕДСТВЕННЫМИ ОРГАНАМИ ЮРИДИЧЕСКОЙ ПОМОЩИ ПО
УГОЛОВНЫМ ДЕЛАМ**

Мирзатиллаев Жаҳонгир Уқтамжон угли

Следственное управление при УВД Ферганской области,

Старший инспектор кадровой группы, майор

jahongirmirzatillayev@gmail.com

Аннотация. В статье анализируются общие особенности оказания юридической помощи следственными органами по уголовным делам. Также проанализировано исполнение запросов о юридической помощи, направленных Следственным департаментом при МВД Республики Узбекистан.

Ключевые слова: преступление, уголовный процесс, юридическая помощь, международное сотрудничество, направление запроса на юридическую помощь.

**ON THE PROVISION OF LEGAL ASSISTANCE BY INVESTIGATIVE AUTHORITIES IN
CRIMINAL CASES**

Mirzatillayev Jakhongir Uktamjon ugli,

Investigative Department under the Department

of Internal Affairs of Fergana Region,

Senior Inspector of the Personnel Group, Major

jahongirmirzatillayev@gmail.com

Abstract. *The article analyzes the general features of the provision of legal assistance by investigative bodies in criminal cases. The execution of requests for legal assistance sent by the Investigative Department under the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan was also analyzed.*

Keywords: *crime, criminal procedure, legal assistance, international cooperation, sending a request for legal assistance.*

INTRODUCTION

Юридик ёрдам сўраб мурожаатларни юбориш ва бажариш йўли билан амалга ошириладиган халқаро ҳамкорлик давлатларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Бундай ўзаро ҳамкорлик давлатларнинг жиноятларни очиш ва тергов қилишда, уларни содир этган шахсларни фош этишда, уларга нисбатан адолатли жазо тайинлашда, шунингдек, ҳудудий чегаралардан, миллий қонунчиликдаги фарқлардан қатъи назар, жабрланганларга товон тўлашда бир-бирига ёрдам бериш бўйича саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга хизмат қилади.

THE MAIN FINDINGS AND RESULTS

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги Тергов департаменти маълумотларига кўра, ИИБ ҳузуридаги тергов идораларидан хорижий давлатларнинг ваколатли органлари томонидан сўралган юридик ёрдам ҳажми, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси таъсис субъектлари томонидан юборилган сўровлар ўсиш тенденциясига эга. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги Тергов департаментидан жиноят ишлари бўйича хорижий давлатлар ваколатли органларига 2020 йилда 84 та, 2021 йилда 84 та, 2022 йилда 95 та, 2023 йил давомида 107 та сўровлар юборилган. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги Тергов департаментига хорижий давлат ваколатли органларидан 2020 йилда 558 та, 2021 йилда 717 та, 2022 йилда 727 та, 2023 йил давомида 815 та сўровлар келиб тушган⁴.

Шуни таъкидлаш керакки, юридик ёрдам бўйича энг кўп сўровлар Ўзбекистоннинг ваколатли органларига МДХ давлатларидан келади. Шундай қилиб, 2022 йилда олинган 727 та сўровнинг 698 таси (96%) МДХ давлатларидан, 29 таси (3%) Европа мамлакатлари ва ўзоқ хорижий мамлакатлардан келган. 2023 йилнинг биринчи ярмида жами 563 та мурожаат келиб тушган, 545 таси (96,8%) МДХ давлатларидан, 18 таси (3%) Европа ва ўзоқ хориж давлатларидан олинган.

Ўзбекистон Республикасининг тергов идоралари томонидан бошқа мамлакатлардан олинган сўровлар бўйича кўрсатилган юридик ёрдам ҳажми деярли олти баравар ошган (2020 йилда 558 та, 2021 717 та,

⁴ Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги Тергов департаментининг 10.10.2023 йилдаги 18/8620-сонли алоқа хати.

2022 йилда 727 та). Бундан ташқари, агар 2020 йилда сўровларнинг тўртдан уч қисми МДХ мамлакатлари (Россия, Қозоғистон, Қирғистон, Белоруссия ва Украина) ваколатли органларидан келиб тушган бўлса, 2021 йилда ҳам сўровларнинг тўртдан уч қисми МДХ мамлакатлари ваколатли органларидан келиб тушган бўлиб ушбу рўйхатга Тожикистон ва Озарбайжон ҳам қўшилган, 2022 йилда МДХ давлатларидан олинган сўровлар бўйича катта миқдордаги юридик ёрдам кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Тергов департаменти томонидан юборилган сўровларга келсак, юридик ёрдам алмашинуви 2020 йилдан 2023 йил якунигача бўлган даврда сўралган юридик ёрдам ҳажмининг ўсиши кузатилди (2020-2021 йилларда 84 тадан, 2022 йил 95 та, 2023 йил 107 та)⁵.

Кўрсатилган ва сўралган юридик ёрдам кўпинча фирибгарлик, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, божхона қоидаларини бузиш, ўғирлик ва контрабанда ҳолатлари бўйича қўзғатилган жиноят ишлари бўйича амалга оширилади. Таҳлил қилинаётган даврда юридик ёрдамнинг умумий ҳажмида жиноятларни квалификация қилиш коэффициентлари турли даражадаги ўзгаришларга эга.

CONCLUSION

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси тергов идоралари томонидан жиноят ишлари бўйича юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўров юбориш жараёни ўзаро кетма-кет ҳолда бир неча босқичлардан ташкил топади ва уларнинг ҳар бирида халқаро ҳамкорликнинг турли субъектлари бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатади.

REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-Процессуал кодекси. Адолат,Т.: 2021.
2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 28.09.2010 йил, ЎРҚ-262-сонли Қонуни 39-сон, 340-модда.
3. Умарханова Д.Ш. Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш. Юридик фанлари доктори дисс. Автореф. Тошкент.:2018.
4. Смирнов М.И. Понятие и современное состояние института взаимной правовой помощи по уголовным делам // Правоведение, 2004. № 5.
5. Цепелев В.Ф. Международное сотрудничество в борьбе с преступностью: уголовно-правовые, криминологические и организационно-правовые аспекты. Монография. - М., 2001.
6. Ф.Ф.Мартенс. Современное международное право цивилизованных народов: научная литература. Том I.Санкт-Петербург.:1887. –С.7.
7. I.A.Shearer.Extradition in international law. England.:1971. –P.8.

⁵ Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Тергов департаментининг 10.10.2023 йилдаги 18/8620-сонли алоқа хати.

8. Лазутин Л. А. Правовая помощь по уголовным делам как межотраслевой нормативный комплекс. Екатеринбург, 2008 ; Международное сотрудничество в сфере оказания правовой помощи по уголовным делам : учеб.-практ. пособие / под ред. Ф. К. Зиннурова. М., 2016 ; и др.

9. Волеводз А.Г. Правовые основы новых направлений международного сотрудничества в сфере уголовного процесса. Дисс... д-ра. юрид. наук. -М., 2002. – С.81-89.